

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаб ижод этган Мирзо Сиддик бин Тогаймурод Истаравшаний хазрат Алишер Навоийнинг содик мухлисларидан бири эди. У Навоий кўллаган “Фано” ва “Фаноий” тахаллусини ўзига тахаллус сифатида кўллайди.

Унинг кўплаб девонлари бизгача етиб келган. Тожикистон ФА кулёмалар фондида 468 раками билан унинг икки нусха (1/11) дастхат девони сақланади. Девонлардан бири ўзбек, бири форс тилида. Ўзбекча девони 70 саҳифадан иборат бўлиб, унга газал, мухаммас, таърих, муаммо ва марсиялар киритилган. Ўзбекистон ФА ШИ фондида 910/2, 1030, 7015/4, 1025 раками билан шоирнинг беш нусха девони сақланади. 910/2 ракамли девон фақат форсча, бошқалари икки тилдаги шеърлардан иборат. Турли шахсий кутубхоналарда ҳам Фаноий девонларини учратиш мумкин. У ўз замонида кенг шухрат топган. XIX аср охири XX аср бошларида тартиб берилган кўлёмма ва босма баёзларга ҳам асарлари киритилган.

Фаноийнинг кўпчилик газаллари Алишер Навоий шеърлари таъсирида битилган. У хазрат Навоийни тинмай мутолаа қилган, газалларига таҳмислар боғлаган. Навоийнинг

Кўюнг борида қилмон жаннатка гузар харғиз,
Қаддинг қошида солмон тубийга назар харғиз —

матлаъли газалига қилган мухаммасидан икки банд келтирамиз:

Бу фасл баҳор ичра гулшанда арўси гул,
Зийнат берибон ўзни, гийсу қилибон сунбул,
Навхангдин асар йўқтур, нечун қилайин гулгул,
Кўнглига фиғонимдин раҳм ўлмас, эй булбул,
Гул гунчасига борму нолангдин асар харғиз.

Олам эли зарбидин десангки асар топмай,
Қулфатни диёрига умрингда гузар топмай,
Қайгу ватани ичра бир лаҳза мақар топмай,
Пил ўлса сенинг хасминг, десангки зарар топмай,
Бир пашшага оламда стқурма зарар харғиз.

Унинг бу қаби газалларига боғланган мухаммаслари юксак бадиий маҳорат билан ёзилган. Уларда мантикий ва узвий боғланган бандлар вужудга келган. Фаноий баъзи мухаммаслари бандларида шоирнинг байтини эмас, баъзан газалнинг бир сатрини олиб, банднинг тўрт сатрини ўзидан келтиради. Масалан, Навоий газалида:

Пора-пора жигари дард ўтидин ўртанган,
Қатра-қатра юраги хажр ўтидин қон бўлган-

байтнинг биринчи сатри ўрнига шоир “Борми гулмеҳи алам чашми аро қоқиган” сатрини келтириб, мухаммас боғлашда ўзига хос ихтиролар ҳам қилган.

Фаноийнинг Навоий газалларига боғлаган мухаммаслари оригинал ташбехларга бойлиги, юксак бадиий маҳорат билан яратилганлигини айтиш керак. Бу ўринда Навоийнинг “Яна” радибли газалига боғланган мухаммасидан келтириладиган ушбу банд характерлидир:

Чехрам ул ой хажридин заъфар мисол ўлди яка,
Хам багир хунобасидин ашким ол ўлди яна,
Шукриллах хажр захрига завол ўлди яна,
Бода туг сокийки, айёми висол ўлди яна,
Даст берди шодлик, гам поймол ўлди яна.

Фаноий девонларидан ўрин олган рубоийлар, чистонлар ва муганнийномаларда ҳам худди ана шундай ҳолатни кўриш мумкин. Бу жанрларда ёзилган шеърлари ҳам уйинг моҳир зуллисонинг шоир эканлигини кўрсатади.

Фаноий ҳам хофиз, ҳам чолгучи, ҳам мусикашунос эди. Шунинг учун ҳам рубоий шаклидаги тўртликларидан ташкил топган бир қисм шеърларини “Муганнийнома” деб атади ва ўз девонларига алоҳида шеър тури сифатида киритди. Бу туркумдаги тўртликлар хазрат Навоий сокийномаларини эслатади. Агар сокийномаларда купрок оқийга мурожаат этилса, бу шеърларда муганнийнинг шарафли касби улуғланади, унинг навоси дардни енгиллатувчи дори сифатида баҳоланади.

Истаравшанлик бу шоирнинг ҳар икки тиддаги шеърларида ҳам хилма-хил бадиий воситалардан, маънавий ва лафзий санъатлардан усталик билан фойдаланилган. У айрим шеърларини ширу-шакар усуслида яратади. Бу муламмаъларидан бирини қуйида келтирамиз:

То никоб аз рўй он хуршед сиймо бар кушод,
Гўйиё кетди булут, оламдин рафъ ўлди савод.
Нест холи дил зи тири нозуки мижғони ў,
Ул камонабрў, хадаф дурр, лек анга қурбон мурод.
Хамчу нохун кат хоҳад шуд ракибамро сараш,
Не учунким захм эдар кўксум аро ул бадсавод.
Чун тавофи Каъбаи кўяш агар дори хавас,
Рокиб ул химмат самандин хуни дилдур санга зод.
Умрхо дар зери ёди хажри гам гаштам Фано,
Ул ситамгар васли бирла килмади бир лахза шод.

Ўз ижодиётида Навоий шеърятдан катта баҳра олган Фаноий даврининг истеъдодли шоирларидан бири бўлиб, адабиёт тараккиётида муҳим ижобий из қолдирди...

Эргашали Шодиев